

БОШҚАРУВ ТАКОМИЛЛАШИВ БОРМОҚДА

Ёш, мустақил мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустақамлаш, барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлатимиз бюджетини тўлдиривда солиқ тизими ходимларининг муносиб ўринлари бор. Сир эмас, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида бу соҳани йўлга қўйиб олишнинг ўзи бўлган йўқ. Ҳали малакали кадрлар етишмаслиги, белгиланадиган солиқлар кўрсаткичлари бўйича меъёрий ҳужжатлар танқислиги, солиқчи ва тўловчилар ўртасидаги муносабатлар юзасидан қонулар ишлаб чиқилмаганилиги ишда анчагина мушкулликлар туғдирган эди.

Йиллар ўтиши билан бу муаммолар ҳал этила бори. Эндиликда солиқчиларнинг хизмат бурчларини адо этишдаги саъй-ҳаракатлари ҳавас қилса арзийдиган бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, бу тизим такомиллашиб ислохотлар сари дадил юз бурди.

Солиқ тизимида кадрлар тайёрлаш борасида жиддий сил-жишларга эришилди. Бу соҳа бўйича ихтисослашган катта-кичик билим даргоҳлари, курсларда аниқ дастурлар асосида ўқувлар ташкил қилинган.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газеталари, радио, телевидение, шаҳар ва туманлар кўп нусхали газеталари ижодкор ходимлари билан виллоят солиқ бошқармасида бўлиб ўтган давра суҳбатда виллоят солиқ бошқармаси бошлиғи Мирзохид Комилов солиқчилар фаолияти, иш услублари, эришилган ютуқлар, ҳал этилиши керак бўлган муаммолар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, режалар, шунингдек, жорий йилнинг тўрт ойи ичидаги натижалар ҳусусида батафсил фикр юритди.

Ана шу вақт мобайнида, — деди бошқарма бошлиғи, — виллоят ҳудудидаги 13 минг 638та ҳуқуқий мақомга эга бўлган корхоналардан 18386,7 миллион сўм солиқ ва мажбурий тўловлар давлат бюджетига ўндирилди. Яъни виллоят бюджетининг даромад қисми 101,4 фоиз бажарилди ёки кўзда тутилганидан 253,7 миллион сўм ортди билан адо этилди. Шу жумладан, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ўртасида олиб бориладиган кенг қўламадаги тушунтиришлар, қонулар мазмунини, моҳиятини улар онгига синдириш ҳам ўзининг ижобий натижаларини берди. 14 минг 648 нафар бундай тadbиркорлар юқорида-

лат солиқ бошқармаси ва бу тизимнинг шаҳар ҳамда туманлар инспекциялари ходимлари ва хизматчилари Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 мартдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни та-



комиллаштириш тўғрисида» қарори юзасидан ҳам ҳозиржавоблик билан фаолият юргизаётганлари ҳусусида анча маълумотларга эга бўлдилар.

«Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларига қарши тезкор курашиш бўйича виллоят бошқармаси бошлиғи Абдусаттор Абулқосимов, виллоят давлат солиқ бошқармаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими масъул ходими Фаридохон Соатов, виллоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Шухрат Тожибоев, Тошкент тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Азмидин Султонов ва бошқалар ўз жамолари фаолияти ҳақида ил-ғилланганга гапириб бердилар. Журналистларнинг қатор саволларига жавоблар қайтардилар.

Мазкур учрашувда виллоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи бундан буюн жамоамиз иш фаолиятини кенг тарғиб қилишда журналистлар маддагига таянди, деб катта ишонч билдирди. Ҳамкорлини мустақамлашверамиз, деди у. Зеро, тизимдаги ютуқларни кўрсатиш билан бирга, камчиликларни ҳам матбуот орқали рўйи рост айтиш ишимизга ёрдам бериши шубҳасиз.

Биз учрашувдан сўнг тadbирда иштирок этган виллоят давлат солиқ бошқармаси бўлимлари раҳбарларидан айримлари билан яна мулоқотда бўлдик. Қўйида солиқ тизимидаги ўзгаришлар, солиқчилар фаолияти, истиқбол режалари ҳақидаги уларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Журналистлар мулоқотлар жараёнида виллоят дав-

Солиқ тизими ва давр ҚИДИРАМИЗ, ТОПАМИЗ, ЧОРА ҚЎЛЛАЙМИЗ

Абдусаттор АБУЛҚОСИМОВ,
Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларига қарши тезкор курашиш бўйича виллоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

— Бошқармамиз республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 мартдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» қароридан кейин таркиб топди. Маълумки, бу ҳужжат асосида 2000 йилнинг 1 апрелидан солиқ тизимидаги ходимлар

ноқонуний равишда нақд пул обороти билан шуғулланаётган шахсларни фожия ва улар фаолиятига чек қўйиш, тезкор қидирувни ташкил этиш, суриштирув ва ҳуқуқ тартибот органлари билан биргаликда солиқ қонунчилигига зид равишда фаолият юргизаётганлардан давлатга етказган зарарларини ўндирини ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Шунингдек, қонун асосида жиноий ишларни кўзга татиш, уларни ички ишлар органларига топшириш, солиқ соҳасидаги маълумотларни таҳлил этиш ҳам зиммамизга юкланган.



сонини 10 фоизга қисқартириш қайд қилинган эди. Ана шу ҳисобдан бизнинг жамоамиз шаклланди. Бошқача айтганда кадрларнинг ҳаммаси ўзимиздан чиқди.

Бошқарма солиқ ва бошқа тўловлардан бош тортаётган юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш,

Бу борада дастлабки ишлар амалга оширилди. Ўйлаётганимиз, ходимларимиз бутун қуч-ғайратларини, билим ва маҳоратларини ноқонуний тadbиркорлик билан шуғулланиб, ортирилган фойдани яшираётган, факат ўз манфаатини ўйлаган устаси фаранглари фожия этишга қаратадилар.

КАДРЛАР ТАНЛАШДА ТАЛАБЧАНЛИК

Аброр РОЗИХҲАЕВ,
Виллоят солиқ бошқармаси бошлиғининг ички тартиб ва кадрлар бўйича муовини:

— ҲОЗИРГИ кунда тизимимизда 1375 нафар ходим ишламоқда. Улардан 85 фоизи олий маълумотга эга. Қолганлари шу кунларда институт, университетларда билим олаётган ёшлар. Компьютерни чуқур биладиган ва шунга интилаётган йигит-қизлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Очигини айтиш керак, биз кадрлар танлашга талабчанроқмиз. Бу бежиз эмас, соҳамиз шунча тақозо этади. Зеро, солиқчи ўз ишини юқори малакали даражада билишдан ташқари, сиёсий, маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлиши керак. Вақти-вақти билан бевосита шаҳар ва туманлар солиқ инспекцияларида ўтказиладиган машғулотлар мавзуларини ана шу нуқтага назардан белгилаб оламиз.

Ходимларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлашда аттестациялар ўтказиб туриш ҳам яхши натижалар бермоқда. Тўғри, шол курмаксий бўлмаганидек, гоҳ-гоҳ бўлса, орамизда қонунга хилоф иш юритувчилар учраб туради. Биз шундай пайларда бундай кимсанинг қилмишини батафсил ўрганамиз. Унинг босган қадамини нопок бўлса, жазосини олади. Маълум бир кўпол хатога йўл қўйган бўлса меҳнат кодексини асосида ишдан бўшатилди.

Кейинги йилларда ходимлар малакасини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Ўтган йил мобайнида 147 нафар киши давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги курсларда, 60 нафар ходим малака ошириш институтларида ўз билимини пухталади. Бошқарма, шаҳар ва туман давлат солиқ инспекцияларида ишлаётганлардан 57 нафари иккинчи ихтисослик бўйича ўқимокда.

Шу йилнинг биринчи чоракда Республика давлат солиқ қўмитаси, Тошкент молия институтини қўйиб малака ошириш курслари ва жазон дипломатия ва иқтисодиёт университетига қатор ходимлар ўқишга юборилди. Ёшларимиз республика Ички ишлар вазирлиги академиясида, Давлат божхона қўмитаси коллежида ҳам малака оширмоқдалар.



МИСРДА ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ

Яқинда Миср Араб Республикасининг Қоҳира университети Осиё тadbиркорлари марказида Ўзбекистон-Миср дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди.

Осиё тadbиркорлари маркази директори, доктор Муҳаммад Сайид Салим тadbиркорни очиб, Ўзбекистон-Миср муносабатлари узоқ тарихга эга эканини таъкидлади.

— Айни пайтда халқларимиз ўртасидаги муносабатлар уларни ҳаракатга келтирувчи қўлга муҳтож. Дўстлик жамияти икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада юқори поғонага кўтаришга, Миср халқини Ўзбекистоннинг халқро ва минтақа миқёсида тутган маъна билан ақидан танитишга кўмак бериши муқаррар, — деди доктор М. С. Салим.

Анжуманда Миср Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДХ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси бош қотиби Ашраф Заъзаъ, Қоҳира университети ректори, доктор Нажиб ал-Хилолий, Имом ал-Бухорий халқро жамғармасининг Қоҳира бўлими раиси, доктор Абдулло Саъад, Айн аш-Шамс университети профессори Насрулло Мубашшир ат-Тарозий, Ўзбекистон билан дўстлик алоқаларини мустақамлаш ташаббус гуруҳи аъзолари ва бошқа таниқли мисрлик олимлар сўзга чиқиди.

Ўзбекистон-Миср дўстлик жамиятининг таъсис йиғилишида Қоҳира университети ректори, доктор Нажиб ал-Хилолий жамият раиси этиб сайланди. Тadbирда Миср Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакат олий ўқув юртлири, ишбилармон ва илмий доиралар вакиллари иштирок этишди.

Б. ИРИСОВ,
«Жаҳон» АА, Қоҳира шаҳри.

ҲАМ ҚУЛАЙ, ҲАМ БЕЖИРИМ

«ТОШКЕНТ трактор заводи» давлат хиссадорлик жамиятида бутловчи агрегат ва қисмлардан йиғилаётган янги тракторлар дала меҳнатчилари оғирини енгиб қилмоқда. Бу агрегатларни «Кейс» Америка фирмасининг «МХ-1», «МХ-304» русумли тракторлари билан алмаштириш тadbирлари қўриб қўйилди. Кейинчалик уларни олти ва саккиз қаторли машиналар билан агрегатлаш ҳам кўзда тутилмоқда.

Бу ил агрегатнинг хар бири тўрт тоннагача юк кўтариш қувватига эга. Шунини эътиборга сазоворки, ана шу тиркамалардан бири юкларни ён томонга тўкади, иккинчиси эса орқага тўкишга мослаштирилган. Янги техника автоуловларга уланган, дала ишларида кенг қўлланилади. Бу билан катта ҳажмда иш бажариш имкони туғилди.

Улар тажриба-синовдан яхши ўтган, республикамиз деҳқон хўжалиқларига қўллаб етказиб берилди.

Ақбар АЛИЕВ.

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Тошкент виллоятининг Чиноз тумани Амир Темур номидаги жамоа хўжалигига пойтахт виллоят ҳокимлиги ҳамда халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ташаббуси билан халқро болаларни химоя қилиш кўнига бағишлаб «Буюк ипак йўлининг Ватанимиз тарихи, маданияти ва миллий анъаналарининг шаклланишидаги ўрни» мавзуда илмий-амалий тadbир ўтказилди.

Ёшларга бевосита мулоқот орқали халқимиз тарихи тўғрисида ҳаққоний маълумот бериш асосий мақсад қилиб қўйилган ушбу тadbирда тарихчи олимлар, тadbиркорчилик, ёзувчилар ёшларга темурларнинг давридаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт, халқимизнинг азал-азалдан эъзозланган келган миллий қадриятлари ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳусусида батафсил сўзлаб бердилар.

(У.А.).

Тоғлар бағрида, ер сатҳидан бир юз эллик метр атрофидаги чуқурликда жойлашган 9-кунда куну-тун меҳнат тинмайди. Юзлаб кўмирчилар учта участкада ҳар кун миң тоннадан кўмир казиб, бурютамчиларга юбормоқдалар. Республикада бундай катта қувватли ерости кўмир қони ягонадир.

Кончилар, айниқса, бу йил самарали ишлашляпти. Иш суръати муттасил ортиб борапти. Йилнинг тўрт ойлик топшириғи анча зиёда билан бажарилди. Маҳсулот ҳажмининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 147,8 фоизни ташкил этди. Республика халқ хўжалиғи эътиёжлари учун 96 миң 556 тонна ёқилғи етказиб берилди.

Фаолиятнинг бошқа асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам кўнгилдагидек бўлмоқда. Олинган соф фойда 270 миллион сўмни ташкил этди. Бурютамлар бўйича 100 миллион сўмликдан ортиқроқ халқ истеъмолчи моллари тайёрланди.

Эришилаётган ютуқларда айниқса, 6-участка аъзоларининг улушлари салмоқли бўлмоқда. Тўрт ойлик режанинг 127,7 фоиз қилиб бажарилиши ҳам шундан далолат бериб турипти. Улар шу даврда салкам 30 миң тонна ёқилғи казиб чиқаришга эришдилар.

3-участка жамоаси ҳам илғорлар сафида. Зиммасига ер остида кўмир казиб чиқариладиган жойларни ва уларга олиб борадиган йўллари очиш юклатилган хандақчилар эса кўмир казиб чиқарувчиларни иш фронти билан етарли таъминлаб туришибди.

Корхонада мавжуд асбоб-ускуналардан

Акциядорлик жамиятларида

КУНИГА 1000 ТОННАДАН

оқилона фойдаланилмоқда. Албатта, бунга эришишнинг ўзи бўлмапти. Чунки, асбоб-ускуналарнинг деярли барчаси эскириб қолган. Улар ихтирочилар ва рационализаторларнинг топқирлиғи туфайли ҳазон ишлаб турипти, айримларини таъмирлашмоқда, йўқларини ўз қучлари билан ясамолдилар. Хусусан, ишчи-хизматчилардан О. Грушевский, М. Шодиматов, А. Рожков, Х. Жамолдидинов, Г. Сафиуллин, М. Рўзमतоллар қатор қимматли тақиллар муаллифларидир.

Яқин келажада казиб чиқарилаётган кўмир ҳажми янада ортади. Бу ерда янги кон очилмоқда. Мутахассисларнинг эътирофи таъкидлаганича, бу кўмир захираси юз йиллар давомида казиб чиқариш учун етарлидир.

— Интизом бор жойда унумдорлик ва сифат бўлади, — дейди кон директори Рифат Муртазов. — Ишчи-хизматчиларимиз бунга доим амал қиладилар. Шунинг учун ҳам интизомни бузиш ҳоллари учрамапти. Жорий йилнинг ўтган даврида конда бирорта ҳам кўнгилиз ҳодиса бўлмаганлиғи шундан. Жамоамиз ўртасида таркиб топган ижобий муҳитни доим сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Бугунги кунда юртимизда қолаверса, виллоятимиз автоуловчи йўлларда миллионлаб транспорт воситалари қилишларини хизматини адо этиш мақсадида турли манзиллар томон ошмакда.

Албатта, инсон томонидан яратилган бу мўъжизанинг яхши тарафлари қатори салбий томонлари ҳам бор. Жумладан, ҳар кун, ҳар соатда содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сўзимизнинг исботидир.

Кеча мамлакатимизда «Диккат, темирйўл кесиммаси» тadbирини ўз нихосига етказилди. Шунини айтиш керакки, бу тadbир давомида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси корхона ва ташкилотларга қарашли 145та темирйўл кесимшлари махсус кўриқдан ўтказилди. Бу текширувлар давомида виллоятимиз ҳудудидан ўтадиган айрим темирйўл кесимшларида йўл белгилари, сўнғий ёритиш воситалари, овозли, ёриткичи ташвиш сиреналари, йўналиш устунчалари ҳамда контролёрлар ўрнатилмаганлиғи аниқланди. Шунингдек, бундай ўтиш жойларида ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳам қўрилди.

Шу йил 15 январь кун соат 04дан 50 дақиқа ўтганда Юнусов туманида истикомат қилувчи ТашПО «Нефтопродукт» корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлаган Р. Шокиров ўзига бириктирилган автоуловда Қирбай маркази йўналиши бўйлаб кетаётган эди. Йўлнинг биринчи километрида жойлашган қўриқланадиган темирйўл кесиммасига яқинлашган чоғида йўл четига ўрнатилган белгиларга, ишлаб турган говушли ва қизил чироқли оғоҳлаткичларга ҳамда тўсиқнинг ёпиқ ҳолатда бўлишига қарамай, чап томондан келган электровоз билан тўқнашиб кетди. Содири этилган ушбу йўл-транспорт ҳодисаси Р. Шокиров оиласига чуқур қайғу олиб келди.

Фалокат оёқ остида деймиз, лекин, содир бўладиган хар бир кўнгилиз ҳодисадаги хунук оқибатларнинг сабабчиси ўзимиз эмасми? Эътиёсизлик, эътиборсизлик ва белгиланган

ТАДБИР НИХОЯСИГА ЕТДИ, АММО...

қонун-қоидаларни писанд қилмаслик, шубҳасиз юқоридаги каби кескиз қулфатлар келтиради.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларида ҳайдовчи темирйўл кесиммасига яқинлашиб келаятган поезд йўқлигига ишонч ҳосил қилиши, йўл тўсиқлари ҳолати, чироққа, йўл белгилари ва чиқкичларига, навбатчининг кўрсатмасига амал қилиши керак, деб белгилаб қўйилган. Шунини ҳам айтиш жоизки, кенг жамоатчиликка таянган ҳолда махсус гуруҳлар тузилиб, ойлик тadbир давомида бу гуруҳлар қатор ишларни амалга оширидилар. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда маҳалалар ва тегишли муассасаларда йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлигига оид суҳбатлар ўтказилди. Белгиланган қоидаларнинг бузилиш сабаблари ва улардан келиб чиқадиган оқибатлар тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ўтказилган «Диккат, темирйўл кесиммаси» ойлик тadbир нихосига етди. Аммо... ҳайдовчиларимиз ва йўловчиларимиз ҳаракатларини ҳавфсизлигини бир дақиқа бўлсада унутмасликка, хушерлиқни қўлдан бермасликка жавобқардирлар. Светофорнинг таъкиловчи ишорасига, тўсиқлар ва темирйўл кесимшлари навбатчиларининг кўрсатмаларига амал қилганларига ўзлари ва ўзгарларнинг ҳаётини сақлаб қола оладилар.

Ҳаёт ТОШКЕНБОВ,
Виллоят ИИБ ДАНВ бошлиғининг муовини.

«Диккат,
темирйўл
кесиммаси!»

